

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ЖАҲОН СИЁСАТИ ВА ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ
ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАТ ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

Ходжимуратова Дилшода Суннатиллаевна

**XX асрнинг 70-80 йилларида эронда ижтимоий-сиёсий
ривожланиш тарихи**

КУРС ИШИ

5220200-Хорижий мамлакатлар тарихи

Илмий рахбар: с.ф.н. Н.А.Абдуллаев

Тошкент 2013

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3	
АСОСИЙ ҚИСМ		
I-БОБ. XX АСР 70 – ЙИЛЛАРДА ЭРОНДАГИ СИЁСИЙ ВАЗИЯТ.....	5-17	
I.1. Эронда бир партиявий тизимнинг жорий қилиниши ва “Савак” ташкилотининг Эрон ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни.....	5	
I.2. Эроннинг иқтисодий-сиёсий фаолиятида АҚШнинг роли ва аҳамияти..	8	
II-БОБ. ЭРОНДА ИСЛОМ ИНҚИЛОБИ ТАНТАНАСИ ВА МАДАНИЙ ИНҚИЛОБ.....		18-38
II.1. Эронда шоҳ тузумини тугатилиши ва ислом инқилоби.....	18	
II.2. Эронда “маданий инқилоб” ва Абулҳасан Банисадрнинг сиёсий фаолияти.....	28	
ХУЛОСА.....	39	
Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар	40	

КИРИШ

Бизга маълумки, XX аср Эрон тарихида катта ўзгаришлар бўлди. Бу асрнинг 70-йилларига келиб, мамлакатдаги сиёсий аҳвол шоҳ олиб борган сиёсат ва мамлакатда ўтказилган қатор ислохатлар туфайли кескинлашди. Охир оқибат неча асрлик тарихга эга бўлган шоҳ тузуми емирилиб, 1979 йил 1 апрелда Эрон Ислом Республикаси қарор топди. Маълумки, мамлакатда юз берган Ислом Инқилоби Эрон тарихида ўчмас из қолдирди. Бу даврнинг нафақат Эрон учун балки, бутун Жаҳон ҳамжамияти учун ҳам аҳамиятли томони мамлакатда амалга оширилган инқилоб ва Эроннинг монархия тузумидан Ислом республикасига айланишини эътироф этсак бўлади. Мавзунинг долзарблиги ҳам ана шунда деб айтсак хато бўлмайди. 1980 йил 25 январда диний руҳонийлар бошчилигидаги бу давлатнинг биринчи президенти этиб иқтисодчи ва ҳуқуқшунос, 60-йилларда шоҳ тузумига қарши ўтказилган намойишлар қатнашчиси, исломий иқтисодиёт, хусусан, “тавҳид иқтисодиёти” бўйича бир қанча асарлар ёзган Абулҳасан Банисадр сайланди. Янги тузилган ислом давлати шароитида дунёвий фикр ва нуқтаи назарларга таянган президент Абулҳасан Банисадрнинг сал кам беш ойлик сиёсий фаолияти бир текисда кечмаган.

Курс ишининг хронологик даврига тўхталадиган бўлсак, мавзу икки ўн йиллик, яъни XX аср 70 –80 йилларини ўз ичига қамраб олади. Кўринишидан қисқа давр бўлсада, аммо бу давр Эрон давлати учун ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, харбий улкан ўзгаришларни олиб келди.

Мавзунинг географик ҳудуди жуда катта ҳудудни қамраб олмаган. Курс иши Ўрта Шарқнинг етакчи давлатларидан бири Эрон давлатидаги жараёнлардан келиб чиққан ҳолда Эроннинг АҚШ билан муносабатлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтилади.

Курс ишини ёзишда олдимизга асосий мақсад этиб Эрон давлатида XX аср 70 –80 йиллари юз берган жараёнларни атрофлича ёритиб беришни олдик. Ана шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда мақсадни амалга оширишда

бажарилиши лозим бўлган бир нечта вазифаларни белгилаб олдик ва улар қуйидагилардан иборат:

- Эронда бир партиявий тизимнинг жорий қилиниши;
- “Савак” ташкилотининг Эрон ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни;
- Эроннинг иқтисодий-сиёсий фаолиятида АҚШнинг роли ва аҳамияти;
- Эронда шоҳ тузумини тугатилиши ва ислом инқилоби;
- Эронда “маданий инқилоб”нинг амалга оширилиши;
- Абулҳасан Банисадр сиёсий фаолиятининг аҳамиятин масалаларини ўрганиб чиқиш.

I-боб. XX аср 70 – йилларда Эрондаги сиёсий вазият.

I.1.Эронда бир партиявий тизимнинг жорий қилиниши ва “Савак” ташкилотининг Эрон ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни.

1953 йил августдаги давлат тўнтарилишидан кейин шоҳ мамлакат ичкарисиди юз бераётган қарши кучларнинг кучайиб кетишини олдини олиш мақсадида АҚШнинг ёрдами билан Эрон армияси, жандармияси ва АҚШнинг маслаҳати билан Миллий Хавфсизлик органи (САВАК)ни ташкил қилди ва ҳар бир ишда уларнинг ёрдамига суянди. Шунинг учун ҳам САВАК ташкил этилгандан кейин Эронда сиёсий жараёнлар тубдан ўзгарилишига олиб келди. Бу ҳақида Ж. Оукса ўзининг мақоласида: “Ҳозирги кунда Эрондан бошқа дунёнинг барча замонавий давлатларига Людовик XIV тарафидан айтилган “Давлат- бу мен” иборасини ишлатиб бўлмайди. Чунки ҳозирги кунда шаҳоншоҳ Муҳаммад Ризо Паҳлавий Эрон давлатининг рамзидир”¹.

Эрон армиясининг 200 мингдан зиёдроғи АҚШ ва Англиянинг ҳарбий қуроллари билан қуролланган бўлиб, Эрон армиясини АҚШ армиясига тақлид қилишлари кучли эди. Чунки армияда американча тартиб, американча кийим, АҚШ армиясига яқин кийимлар кийиш ва ҳатто армияда қисмлар ҳам американча кўриниш олган эди. Армиянинг асосий маслаҳатчилари ҳам америкалик бўлган. Америкалик ҳарбий мутахассислар Эронда ўзларининг телемарказлари, радиостацияларига, типографисига ва бошқа алоқа воситаларига эга бўлди ва бу алоқа воситалари ёрдамида давлатда бемалол ташвиқот ишларини олиб бориш имконларини ҳам қўлга киритишди. Эрон армиясининг олий бош қўмондони конституцияга мувофиқ шоҳ ҳисобланар эди. Эрон армиясининг ичида иккита АҚШнинг ҳарбий маслаҳатчи бўлимлари фаолият олиб борарди(АРМИШ ва МААГ)².

XX асрнинг 60-йилларининг ўрталарига келиб Эрон жандармиясининг сони 30 минг кишидан кўпроғини ташкил қиларди. Унинг асосий вазифаси

¹ Нью-Йорк Таймс. 1975-й. 30-сентябрь.

² “Labour Law in Practice in Iran”, US Department of Labour. Washington, 1964 й. 26-б.

махаллий жойларда “тартибни сақлаш”дан иборат бўлган³. Эрон жандармерия(полиция)сининг таркибида америкалик миссионерлар фаолият олиб борарди ва 1976 йили март ойида уларнинг фаолиятига чек қўйилди⁴.

1974 йилнинг бошида Эрон жандармерисиди ўзгаришлар юз берди. Техрон газеталарининг хабарига қараганда жандармерия олий қўмондони генерел Ф. Фаррохния, генераллар М. Сармад ва М. Тарагги ва майор А. Зольфагарилар ўз мансабларини суистеъмол қилганликлари учун ҳарбий унвонлари икки рангага пасайтирилди⁵. Эронда содир этилган ҳар қандай ҳаракатларнинг олдини жандармерия оларди ва бир қанча одамларни қамокқа тикар, лекин буларнинг барчаси махфий сақланарди.

Америкалик ҳарбий маслаҳатчиларнинг маслаҳатлари билан Эрон 1953 йилги давлат тўнтарилишидан кейин Хавфсизлик ташкилоти ташкил этилди. “Эрон махфий полицияси бўлган САВАК – деб маълумот беради Лондоннинг “Экономист” газетаси 1966 йилги нашрида – мамлакатнинг барча ҳудудларида бемалол фаолият олиб боришлари мумкинлиги белгилаб қўйилган. Эронга келувчиларга яна шуни таъкидлаб ўтилган эдики, ҳар бешта эронликдан биттаси САВАК ташкилотининг аъзоси бўлиши мумкинлиги, шунинг учун ҳамма жойда ҳам сиёсат ҳақида эҳтиёт бўлиб гапириш шарт эди⁶. Американинг “Ньюсуик” журналининг хабарига кўра 14-октябрь 1974 йил ёзилган мақоласида (бу мақола 1974 йил 26 октябрда Техрондаги инглизларнинг ҳафталик газетаси “Кайхан”да ҳам чоп этилган) САВАК ташкилотининг расмий вакиллари 30 минг кишини ташкил этсада уларга яна уч миллион одам хизмат қиларди. Улар давлатнинг хоҳлаган жойида фаолият олиб борарди, ҳатто улар талабалар турар жойларида, кафе ва шунга ўхшаш жамоат жойларида, чет элда таълим оладиган талабаларни ҳам назорат қила оларди⁷.

³ “Iran Almanac” 1972й. 148-149-б.

⁴ “Правда”. 01.04.1976.

⁵ “Этгэлаат”. 08.05.1974.

⁶ “The Economist” 1966y. May 26-June 03.

⁷ “Ньюсуик”. 1974й. 14-окт.

Эронда юз бераётган ўзгаришлар Эроннинг сиёсий жараёнларига ҳам катта равишда ўзгарилишига олиб келди. Ўзгаришларнинг асосий қисми мажлис ва сенатга бўладиган сайловларда ва уларнинг фаолияти муддатларида кузатилди.

1956 йилдан бошлаб мажлиснинг аъзолари ваколат муддати икки йилдан беш йил муддатга узайтирилди.

1963 йили 26 январда умумхалқ референдумида янги қабул қилинган сайлов қонунининг бандларига кўра, ҳар бир овоз берувчи регистрациядан ўтади, бу албатта сайловнинг сохта ўтишига қарши қилинган ҳаракат. Ҳар бир овоз берувчи ўзининг сайлов варақасини олиб, овоз бераётган депутатининг фамилиясини ёзиб қутига ташлайди. Бундан ташқари сайлов куни бутун мамлакат бўйлаб бир кун муддат ичида ўтказилиши керак эди, авваллари сайлов бир неча кунга чўзилиб кетарди.

Муҳаммад Ризо Паҳлавий давлатнинг барча соҳаларини назорат остига олиш учун 1975 йили Эрондаги мавжуд барча сиёсий ташкилот ва гуруҳлар фаолиятига чек қўйилди. Уларнинг ўрнига янги бир сиёсий партия тузилиши ҳақида қарор чиқарди. 1975 йили 19 февралда Эронда якка партиявий тизим ўрнатилгани шоҳ томонидан эълон қилинди. Бу партия ”Рўстахес миллиёе Ирон”(Эрон миллий тараққиёт) деб номланди. Бу партия амалдаги “Миллиниум” ва “Мардом” партияларини ўрнига келган эди.

Шундай қилиб Эронда амалга оширилга ислохотлар Эроннинг Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари орасида энг саноатлашган давлатга айлантирди. Шунинг учун ҳам Эрон 1970 йилга келиб Осиёда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жиҳатидан иккинчи ўринни эгаллаб олди.

I.2.Эроннинг иқтисодий-сиёсий фаолиятида АҚШнинг роли ва аҳамияти.

Эрон урушдан кейинги дастлабки йилларда ташқи сиёсатда аниқ бир йўналиш бўйича ҳаракат қилмади. Лекин, 1953 йилги давлат тўнтаришидан сўнг, Эрон аввалдан амал қилиб келаётган нейтраллик ташқи сиёсатидан воз кечиб, унинг ўрнига империалистик давлатлар, хусусан АҚШ билан яқинлашиш сиёсатини олиб борди. Эрон 1955 йили Боғдод пактини имзолади, 1959 йили СССР билан дўстлик шартномасини имзоланишидан бош тортди ва 1959 йили 5 мартда эса АҚШ билан иккиёқлама шартнома имзолади. Бу шартнома АҚШ учун Эроннинг барча ички ишларига ва миллий-озодликка қарши курашларини бостиришга имконият яратиб берди⁸.

Эроннинг ташқи сиёсатда нейтраллик сиёсатидан воз кечиб, капиталистик давлатлар томон кетиши, асосан АҚШ, Эрон халқининг оқимиға қарши ҳаракат деб баҳолаш мумкин. Мустамлакачи давлатларнинг Эроннинг барча ички ва ташқи сиёсатиға таъсир этиши ҳамда аралашини демократик ҳуқуқларни бузилишиға, давлатдаги сиёсий қатламнинг норозилиғига олиб келди. Эронда катта компания бошлиқлари ва халқ оммаси давлатни олдинги нейтраллик сиёсатиға қайтиш кераклигини талаб қилишди.

Нихоят, 1962 йили сентябр ойида Эрон билан СССР ўзоро битим имзоланди. Унга кўра СССР ва Эрон бир-бирларини “миллий мустақил ташқи сиёсат” олиб боришини тан олди. Бу битимға албатта, АҚШ ва бошқа капиталистик давлатларнинг аралашини билан юзаға келганди. Эроннинг СЕНТОға қўшилиши, Совет ҳукумати ва унинг тасарруфида бўлган давлатлар билан ўзоро алоқалари Эроннинг аввалги сиёсатға қайтганлигини билдирарди.

70-йиллардан бошлаб Эроннинг ташқи сиёсати яна мустамлакачи давлатлар тарафиға ўзгара бошлади. Бу ҳақида Қувайтнинг “Ас-Сиёсий”

⁸ М.С.Иванов. Иран в 60-70-х годах XX века. Москва. Наука.1977 йил. 189-б.

газетаси Эрон шоҳи нефтдан тушаётган катта ҳажмдаги маблағларни Халқаро Валюта фонди, Халқаро Тараққиёт ва тикланиш банкига, Англия, Франция ва бошқа капиталистик давлатларга кўп сонли қарз бериш орқали Эрон мулки Ғарб давлатларига тегишли бўлиб қолди. Яна шуни такидлаш жоизки, Эрон вазирлар маҳкамасининг аъзоси вазир Ж. Амузгарон Эрон нефтидан тушаётган асосий маблағни бошқа капиталистик давлатларга қарз бериш ва заёмлар ажратилаётганини, айти пайтда 7.7 млрд долл.га етганини тасдиқлади. 1975 йили 5 июньда “Крисчен Сайене Монитор” гезетасининг хабарига қараганда Эрон ҳукумати Пентагон билан “ўзаро ёрдам” ҳақида шартнома имзолади. Бу шартнома Эронга Форс кўрфази хавзасида барча ҳарбий ва фуқоролик ҳаракатларини назорат қилиш ҳуқуқини қўлга киритди. Эрон СЕНТОнинг ҳарбий майдонига айланди. Эроннинг беш йиллик (1968-1973) йиллар мобайнида Эроннинг ҳарбий қурулларни сотиб олиши қарийб уч барабарга ошди. Эрон энг кўп қурулларни АҚШ ва бошқа капиталистик давлатлардан харид қиларди. Американинг “Ньюсуик” журналининг 1974 йили 4 октябрдаги хабарига кўра, Эрон 1973 йили АҚШдан 4 млрд дол. қурул сотиб олди ва АҚШдан қурул сотиб оладиган давлатлар ичида биринчи ўринга чиқиб олди⁹. 1973-1976 йилларда Эрон АҚШдан жами бўлиб 15 млрд дол. қурул сотиб олди. 1974 йили Эрон Қўшма штатдан умумий миқдори 3,5 млрд долл. Бўлган қурул сотиб олди, бу эса Эрон миллий маҳсулотининг 14% ни ташкил қилар, айти шу пайтнинг ўзида АҚШ бюджетининг 5,5% нигина ҳарбий соҳа учун сарф этарди ҳалос.

1960 йилнинг ўрталарида Эрон ҳукумати АҚШ билан ҳар томонлама айтиқса, ҳарбий ҳамкорлик борасида алоқаларни мустаҳкамлай бошлагани ҳақида юқорида таъкид этиб ўтдик. Бу борада Эрон ҳукумати мамлакат ичида бўлиб тураётган нотинч сиёсий жараён ва миллий сепаратизмни бостириб туриш учун табиий ресурс-бойликлардан (асосан, нефтдан) тушаётган катта маблағлар ҳисобига АҚШдан ўта қимматбаҳо ҳарбий қурул-яроқларни сотиб олади. Ўша пайтдан бошлаб Эрон мамлакатаида ҳарбий-

⁹ “Ньюсуик”. 1974-й. 4-октябрь

милитаризация режими ҳукм сура бошлайди. Эрон ҳукумати ҳарбийлар ва армияга суянган ҳолда унинг қудрати ва фаолиятини ошириб борар экан асосан, ҳарбий ҳаво кучлари қўшинларига алоҳида эътибор қаратадилар.

Шу йўсинда, АҚШдан ўша даврдаги энг замонавий ҳаво техника ва қурол-яроқлар сотиб олинади; Ф-4, Ф-5 қирувчи самолётлари, замонавий ҳарбий вертолётлар, ҳаво ҳужумига қарши қурол-яроқлар ва ҳарбий аэродромга тааллуқли бўлган техника. Мамлакат ҳудудида Эрон ва АҚШ ҳарбий базалари ҳамда аэродромлари сони кўпайтирилади. Шунингдек, Эронда АҚШ ҳарбий маслаҳатчилари ва ҳарбий техника бўйича мутахассислари ҳам ўз фаолиятларини олиб борганлар. АҚШдан сотиб олинган ўта мураккаб ҳарбий технология билан ишлаш учун Эрон армияси юқори малакага эга ҳарбий кадрларга ўта муҳтожлик сезган. Бу муаммони ҳал этиш учун Эрон армиясига Эрон ижтимоий ҳаётидаги энг паст-камбағал табақалардан ҳам ҳарбий хизматга чақириладилар. Ҳаттоки, улар армияда зобит бўлиб кетиш имкониятига ҳам эга бўлганлар. Эронлик жамиятшунос олим Мехди Асқарийнинг фикрича, “Эрон ҳаво кучлари хизматида ҳамма ҳам боравермаган чунки, мазкур иш шахсий ҳаёт учун ўта хавфли бўлган, уларнинг ойлик маоши ҳам жуда паст бўлган. Шунинг учун ҳам ҳаво кучлари қўшинларига ўзига тўқ бўлган оилалардан хизматга бормаганлар. Бу хизматга асосан, паст табақалардан чиққан ёшлар кирганлар”.

1968 йилнинг сентябр ойидан бошлаб Шоҳ ҳукумати Эрон ҳарбий ҳаво кучлари қўшинида “Хомафарлар” ва “Унтер офицерлар” институтларини жорий этадилар. “Хомафарлар” ва “Унтер офицерлар” Эрон армиясида асосан, ҳарбий аэродромларда ҳарбий ҳаво техника билан ишлайдиган мутахассислар бўлганлар. Уларнинг ҳарбий даражаси кичик зобитлар турига тенглаштирилган эди. “Хомафарлар” ва “Унтер офицерлар” сафидаги ҳарбий хизматга Эрон жамиятининг ўрта ҳол қатламларидан чиққан асосан, шаҳарликлар (зиёлилар, ўқитувчилар ва ҳ.к.з) қабул қилинганлар. Чунки, ўз-ўзидан маълум бўлиб турибдики, шаҳарликлар ва ўқимишли инсонларнинг ўта мураккаб ҳарбий техника билан муомала қилиш маҳорати бошқа

катламлардан чиққан инсонлардан юқори бўлган. Армияга хизматга киришда инсонлар учун ҳарбийлар учун белгиланган кичкинагина бўлса ҳам ойлик маоши қизиқтирган. Кўпчилик инсонлар ҳарбий хизматга иш йўқлигидан, “келажакда балки, ҳарбий хизматда поғонама-поғона кўтарилиб катта омад ва ютуқларга эришаман”-деган ниятда кирганлар. Шунингдек, Эрон ҳукумати ҳарбий хизматга Университетларнинг техник факультетларини ва ҳаттоки, техник йўналишга эга ўрта таълим мактабларини битирган ёшларни ҳам жалб этганлар.

Шундай қилиб 60-йилнинг охирларига келиб, Эрон армиясида айниқса, Эрон ҳарбий ҳаво кучлари қўшинларида улкан ўзгаришлар бўлиб ўтади. Ҳарбий ҳаво кучлари сафида хизматда бўлган “ Хомафарлар ” ва “Унтер офицерлар ” институти мутахассислари сафи кенгайиб уларнинг сони 70-йилларга келиб 30000тага етади.

Эрон армиясидаги Шоҳ ва унинг ҳукумати олиб бораётган сиёсатга бўлган норозичилик кайфият айнан, мана шу “ Хомафарлар ” ва “Унтер офицерлар ” ичида кескин тус олади. Чунки, айнан, “ Хомафарлар ” ва “Унтер офицерлар ” Шоҳнинг янги сотиб олинган АҚШ ҳарбий техника ва ҳарбий самолётлардан фойдаланган ҳолда Эроннинг турли ўлкаларида ҳукуматга қарши фаолият юргазётган ҳаракатларга, сепаратистик кайфиятда юрган турли этник қабилаларга ҳаводан зарба бериш каби режасига қатъиян қарши чиқадилар. Шунингдек, 70-йилнинг охирларига келиб бутун Эрондаги ўта оғир ижтимоий вазият, аҳолининг ҳаддан ташқари қашшоқлашиб кетиши, Эронга чет эл айниқса, АҚШ монополиясининг кириб келиб Эрон иқтисодига жиддий таъсир ўтказиши (1978йилга келиб Эронда 500дан ортиқ АҚШ фирмалари ўзларининг 700млн. долларлик капитали билан иштирок этганлар) ва айниқса, Шоҳ ва ҳукумат аппаратлари фаолиятида, армияда ҳам порахўрлик ва таъмагарликнинг кучайиши натижасида бутун системанинг бузилиши “ Хомафарлар ” ва “Унтер офицерлар ” кайфиятига ўта жиддий таъсир ўтказди. Эрон ҳарбий ҳаво кучлари сафида асосан, техник хизматда бўлган кичик зобитлар яъни, “ Хомафарлар ” ва “Унтер офицерлар”да

миллийлик, Ватанга садоқат, фидойийлик ҳиссиёти ўта кучли бўлган. Балки, шунинг учун бўлса керак улар Эрон армиясини Пентагоннинг қўшимча бўлагига айланиб қолишига, юқори мансабда ўтирган ҳарбий генералларнинг порахўрлик ва очкўзликка берилиб кетишига кескин қаршилик кўрсатганлар. 1978-1979 й.й.га келиб Эрон армияси худдики, икки бўлакка ажралгандек эди. Биринчи бўлаги Шоҳ ва ҳукумат тарафдорлари (юқори лавозимда хизматда бўлган катта ҳарбий даража ва унвонга эга зобитлар), иккинчи бўлаги эса аксинча ҳукуматга қарши кайфиятда турган кичик ҳарбий даражадаги зобитлар яъни, “ Хомафарлар ” ва “Унтер офицерлар” бўлганлар. Ўша йилларда ҳаттоки, кичик ҳарбий даражадаги зобитларнинг айримлари Шоҳ ва ҳукуматга қарши тузилган баъзи ташкилотларга аъзо ҳам бўлганлар. Лекин, улар Шоҳ хавфсизлик хизмати ва армия контрразведкаси томонидан тезда аниқланиб оғир жазога мубтало бўлганлар.

Эронлик кичик зобитлар Эрон армиясида ўзларини эркин ва ҳаттоки, хўжайиндек тутаётган АҚШлик мутахассислар олдида ўзларини ўта камситилгандек ҳис қила бошлаганлар. АҚШлик ҳарбий мутахассислар эса 1964 йилда Шоҳнинг “АҚШлик ҳарбий маслаҳатчи ва мутахассисларга дипломатик дахлсизлик берилиши” қонунига асосан ўзларини Эрон заминидан ўта эркин ҳис қилганлар.

Албатта, Шоҳ ҳукумати Эрон армиясида содир этилаётган бу каби норозичилик кайфиятини жуда яхши ҳис қилиб турганлар. Ушбу норзиликларни олдини олиш мақсадида ҳукумат кўплаб чора-тадбирларни қўллай бошлайди. Яъни, ҳукумат армиядаги норозичиликларнинг асосий сабабчилари бўлмиш кичик зобитлар қатлами ойлик маошини бир-неча маротаба ошириб боради. Масалан: ҳарбий ҳаво техникаси олий мактабида ўқиётган курсант 1700 туман ойлик стипендиясини олган. Ўқишни битириб, лейтенант унвонини олиб, ҳарбий ҳаво техникаси мутахассиси бўлиб ишга қабул қилинганда эса унинг ойлик маоши 6300туман этиб белгиланган. Агар зобит ўз уйидан узоқроққа, бошқа вилоятларга хизматга юборилса унга 7500туман ойлик маоши берилган. “Хомафарлар” сафида хизматда бўлган

ҳарбӣ мутахассислар ҳам тахминан шу каби ойлик маошини олганлар¹. Таққослаш учун шундай маълумот келтирамизки,-“ Давлат корхоналарида ҳарбӣ бўлмаган техник мутахассисларнинг ойлик маоши 1700-2000 туман этиб белгиланган”¹⁰. Бундан ташқари, 1957 йилдаги “ Шох ҳарбӣ хизматига қабул қилиш” ва 1968 йилдаги “ Эрон ҳарбӣ ҳаво кучлари қошида Хомафарлар институтини ташкил этиш” каби Шох фармонларига асосан, кичик зобитлар даражасидаги ҳарбӣ техник ходимларга қўшимча ойлик маошлари ҳам берилган. Уларга ҳарбӣ кийим-кечак, озиқ-овқатлар учун ҳам алоҳида тўланган. Шунингдек, уларга алоҳида турар жой (квартиралар) ажратилган, ўзи ва оиласи даволаниши учун ҳарбӣ шифохонадан бепул даволаниш ва бошқа кўплаб шу каби имтиёзлар берилган.

Шох ҳукумати шундай йўллар билан норозичилик кайфиятида юрган зобитларни кўп йиллар мобайнида ушлаб турганлар. Шунингдек, Шох ҳукумати зобитларни ғоявий усуллар билан ҳам ўз томонларига оғдиришга ҳаракат қилган. Зобитларга Шохга муқобил турган коммунистик ва бошқа кўплаб ташкилотларни қораловчи йўсинида махсус дарслар белгиланган. Жуда кўп зобитлар АҚШга малака ошириш учун жўнатилиб у ерда ҳам уларнинг фикрларини ўзгартиришга ҳаракат қилинган. Ўша пайтга келиб АҚШда 1950-1979 й.й. ичида 9400 та эронлик зобитлар ўз малакаларини ошириб келганлар. Балки шунинг учун бўлса керак кичик даражадаги зобитлар Шохга қарши очик қарши чиқа олмаганлар, улар фақатгина 1979 йилдаги кўзғолонда ўз фаолликларини ошириб кўзғолоннинг энг асосий плацдармига айланганлар.

1978 йилнинг сентябр ойидаги мудҳиш воқеадан сўнг Эрон армиясида ички қарама-қаршилиқ кучайиб кетади. Армия зобитлари ичида ҳар-хил сиёсий қарашларга эга бўлинишлар содир этилади. Мазкур даврда кичик зобитларнинг кўпчилиги Шохга қарши турган турли оппозицион, муқобил

¹⁰عباس مخبر. (مترجم) سلسله پهلوی و نیروهای مذهبی به روایت تاریخ ایران. کمبریج. ص35

кучлар айниқса, асосан ёшлар томонидан тузилган “ Фиоийлар”, “ Мужохидэ халқ” ва бошқа кўплаб ташкилотлар фаолиятига қизиқишлари янада ортиб боради. Баъзи зобитлар эса Шоҳга муқобил турган диний-руҳоний куч ва ҳаракатлар фаолиятига қизиқиб уларнинг ғояларини қабул қила бошлайдилар. Чунки, Эрон армиясида дин кўп йиллар мобайнида кенг тарғиб қилиниб келинган бўлиб динга эътиқод қилувчи ҳарбийлар сони жуда кўпсонли бўлган эди. Шунингдек, Эрон армиясида хизматда бўлган зобитларнинг кўпчилик қисми айниқса, “ Хомафарлар ” ва “Унтер офицерлар” сафида бўлган зобитларнинг келиб чиқиши Эрон ижтимоий ҳаётидаги ўрта ҳол оилалардан бўлган. Ўша давр Эрондаги ўрта ҳол оилаларнинг деярли юз фоизи Ислом динига ўта берилган бўлганлар. Шу сабабли ҳам улар Шоҳ ва ҳукуматга қарши чиққан йирик диний уламо бўлмиш Оятулло Ҳумоюнӣни ўзларининг пиру-устозлари деб билганлар¹¹. Лекин, ҳарбийлар ичида Шоҳ тарафдорлари ҳам кўпчиликини ташкил қилар эди. Булар кўпроқ юқори мансабда ўтирган катта ҳарбий унвонларга эга зобитлар ҳамда чет элларда ўз малакаларини ошириб келган зобитлар бўлганлар.

1979 йилнинг январ ойидан бошлаб Эрон армиясида хизматда бўлган айниқса, ҳарбий ҳаво кучлари қўшинидаги кичик даражадаги зобитлар ҳукуматга қарши чиқишларини очиқ намоён қилишни бошлайдилар. Армиянинг деярли барча горнезонларида зобитлар иштирокида катта-катта тўлқинлар вужудга келади. Ушбу тўлқинларда “ Хомафарлар ” ва “Унтер офицерлар” энг фаол иштирок этадилар. Мазкур жараёнлар Шоҳнинг мамлакатдан чиқиб кетиши ва Оятулло Ҳумоюнӣнинг Эронга қайтиши муносабати билан бошланиб кетади. Ҳукумат раиси Бахтиёр турли йўллар билан Оятулло Ҳумоюнӣнинг қайтишига қаттиқ қаршилик кўрсатади. Ҳукуматнинг бу ҳаракатлари Эрон армиясидаги норозичиликларни янада

¹¹ Арабаджян З.А. “Иранская революция 1978-1979г.г; Причины и уроки. Москва. Наука. 1989 йил. 78-б.

кучайтириб юборади. 24 январга келиб Техрон, Ҳамадон, Бушир, Исфахон ва бошқа шаҳарлардаги ҳарбий ҳаво базаларда зобитлар иштирокида катта намоишлар бўлиб ўтади. Мазкур намоишлар тобора кенг тус олиб мамлакатда бўлиб ўтаётган бошқа намоишлар билан қўшилиб кетади. Масалан, “ Хомафарлар ” ва “Унтер офицерлар” Техрон университети ва бошқа университет талабалари иштирокидаги намоишларда биргаликда иштирок этадилар.

Армия қўмондонлиги Эроннинг ички сиёсий воқеаларида яъни, Шоҳ ва ҳукуматга қарши қаратилган намоишларда ҳарбийлар ва айниқса, зобитларнинг иштирокини бартараф этиш борасида ўта кескин чораларни қўллай бошлайдилар. 25 январда ҳукумат ҳарбий базаларга қўшин киритади. Намоишларда иштирок этган ҳарбий ва зобитлар ҳибсга олинади. Эроннинг барча ҳарбий базаларида қаттиқ тартиб ўрнатишга ҳаракат қилинади. Ҳамадондаги ҳарбий ҳаво базанинг ўзида бир куннинг ўзида 172 та Хомафарлар ҳибсга олинади. Ҳибсга олинганлар ҳарбий суд ҳукмига топширилган бўлиб уларнинг оилалари эса яшаб турган уйларида бошқа жойга кўчирилган. Лекин, шундай бўлса ҳам ҳарбий турмаларда сақланаётган ҳарбийлар ўз мақсад ва фикрларидан қайтмадилар. Улар турмаларда очлик эълон қиладилар, ҳарбийларнинг ушбу акцияси улар учун жуда қимматли тушган. Чунки, ҳукумат ушбу акцияни бостириш учун турмаларда ҳарбийларни қатл қила бошлайдилар. Биргина Ҳамадондаги ҳарбий турмаларда 165 нафар “ Хомафарлар ” ва “Унтер офицерлар” зобитлари отиб ташланади. Ҳукуматнинг ушбу ҳаракати нафақат ҳарбийлар балки, бутун Эрон халқининг ғазабини кўзғатади. Эндиликда бутун халқ зобитларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлай бошлайди¹².

Январ ойининг охирларида Техронда талабалар, бозорлардаги савдогарлар ва бошқа касб эгалари билан биргаликда “ Хомафарлар ” ва “Унтер офицерлар” зобитлари ҳам катта намоишда қатнашадилар. Ушбу

¹² محمد علی کاتوزیان اقتصاد سیاسی ایران ترجمه محمد رضا نفسی (بجا) نشر مرکز. 1995. ص 153

намойиш ҳам ҳукумат қўшинлари томонидан ўққа тутилади. Мазкур намойишда кўплаб инсонларнинг ёстиғи қуриydi, шунингдек, бу намойишда Эрон ҳарбий ҳаво қўшинлари зобити Аҳмад Монший ҳам ўлдирилади. Унинг жонсиз жасадини эса барча намойиш қатнашчилари ҳукуматга қарши акция сифатида қўлма-қўл кўчама-кўча кўтариб юрадилар.

Ҳукумат қўшинлари намойишлар бўлиб ўтаётган шаҳарларни ҳаттоки, ҳаво-авиация орқали ҳам бомбардимон қилмоқчи бўлганлар. Лекин, уларнинг ушбу режалари кичик зобитлар бўлмиш “ Хомафарлар ” ва “Унтер офицерлар”нинг қаттиқ қаршиликлари туфайли амалга ошмай қолади. Бундан ташқари, юқори мансабларда ўтирган генераллар АҚШ дан келтирилган замонавий техника ва самолётларни чет элларга олиб чиқмоқчи бўлганлар. Уларнинг бу режаси ҳам “ Хомафарлар ” ва “Унтер офицерлар” ларнинг зийракликлари яъни, техникани ишдан чиқариш йўли орқали амалга ошмай қолади. Масалан, Дилфуздаги ҳарбий ҳаво базада сақланувчи АҚШ нинг Ф-14 қирувчи самолётларнинг барчаси Хомафарлар томонидан ишдан чиқарилади.

Қамоққа олишлар, қатл эттиришлар ҳеч қандай самара бермагач ҳукумат зобитлар билан икки томонлама келишишга ҳаракат қилади. Яъни, 1979 йилнинг 29 январида Техрон ҳарбий ҳаво кучлари базасида хизмат қилувчи барча кичик зобитлар ва “ Хомафарлар ” Шоҳ миллий гвардияси ҳамроҳлигида бир жойга тўпланадилар. Техрон ҳарбий ҳаво кучлари базаси бошлиғи генерал Робийй зобитларни ҳукумат билан ўзаро келишувга чақиради. Зобит ва “ Хомафарлар эса генералнинг таклифини рад этиб Шоҳ ва ҳукуматни танқид қилиш мазмунида кескин чиқишлар қиладилар. Икки орада келишув амалга оширилмагандан сўнг кичик даражадаги зобитлар янада кучлироқ таъқиб остига олинадилар. Феврал ойининг биринчи ҳафтасининг ўзидаёқ 1300 га яқин зобит ва “ Хомафарлар ” қамоққа олинадилар¹³.

¹³ محمد رضا پهلوی پاسخ به تاریخ. تهران. ناشر مترجم. 1992. ص 59

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, “Совуқ уруш” даврида Эрон ҳам жаҳоннинг бошқа давлатлари қатори икки қутбли дунёнинг бир тарафида бўлишга мажбур бўлган. Эрон Америка билан ўзаро алоқаларини мустаҳкамлаганда Совет ҳукумати билан орага совуқчилик тушган. Ёки аксинча, бетарафлик ташқи сиёсати тамойилига асосан мустамлакачи давлатлар билан орага совуқчилик тушган.

II-боб. Эронда Ислом инқилоби тантанаси ва маданий инқилоб.

II.1.Эронда шоҳ тузумини тугатилиши ва ислом инқилоби.

XX аср 60-йиллар охирида Эронда нафақат енгил саноатга тегишли, балки мамлакат учун янги бўлган машинасозлик, автомобил, алюмин, нефткимё, металлургия соҳаларига тегишли бўлган йирик замонавий корхоналар барпо этилган. Эрон аграр давлатдан аграр-индустриал мамлакатга айлана бошлаган эди.

Албатта, мамлакатда ўтказилган ислохатлар ижтимоий-иқтисодий қолоқликни енгиб ўтишга катта ёрдам берган эди. Бироқ, бу ислохатлар қатор салбий ҳолатларни ҳам келтириб чиқарган. Зеро, Эрон иқтисодий ривожланиш суръати бўйича 1970 йилда Осиё қитъасида иккинчи ўринда бўлса-да (биринчи ўринда Япония бўлган), унинг бундай ривожланиши барча соҳаларда бир текисда эмас эди. Баъзи соҳалар тез суръатларда ривожланаётган бўлса, баъзи тармоқларда ўтроқ ҳолати юзага келган эди. Барча соҳаларда исрофгарчилик, хўжасизлик, коррупция, текин даромад тўплаш каби иллатлар авж олган бўлиб, улар ўз навбатида ислохатларнинг ижобий томонларини кўрсатиш учун тўсқинлик қиларди¹⁴.

XX аср 70-йилларда Эрон сиёсий ҳаётида шоҳнинг шахсий ҳукмронликка интилиши янада кучайди. Бунга сабаб, бир томондан, буржуа миллатпарастлар ўртасида оппозицион кайфиятни кучсизланиши бўлса, иккинчи томондан, шоҳ ва унинг атрофидагиларни ўз мақсадлари йўлидаги интилишлари эди.

1975 йилда шоҳ кўп партиявийлик тизимини бир партиявийлик тизими билан алмаштириб, Эрон жамиятини Паҳлавий сулоласи атрофига жипслаштириш мақсадида “Растохиз” (“Уйғониш”) партиясини тузди. Бу билан шоҳ, ислохатлар туфайли манфаатлари чекланган, ягона оппозиция ҳисобланган ва 1970 йил ўрталарида легал фаолият олиб борган шиа руҳонийлари имкониятларини тўғри баҳолай олмади.

¹⁴ Родригес А.М. История стран Азии и Африки в новейшее время. “Проспект”. Москва. 2009. Б.: 303-304.

Ислохатларга қарши руҳонийларнинг курашлари 1960 йил бошларида бошланган бўлиб, бу курашни олий диний унвонга эга бўлган оятуллоҳ Ҳумайний бошқарган.

Эронда ислом ва сиёсатни бирлаштириш ҳақидаги гапларни ҳам илк маротаба Рухулло Мусави Ҳумайний (1900-1989) тилга олган. Бу гап Ҳумайний устози Хайри Яздий вафотидан сўнг, Қум илоҳиётшунослик марказидаги Файзия мадрасаси фалсафа кафедрасига бошчилик қила бошлаганида янграган эди¹⁵.

Имом Ҳумайнийнинг энг муҳим жиҳатларидан бири бу унинг фикҳда намоён этган ижодкорлиги, ижтиҳод (диний ва ижтимоий ҳаётда шахсий қарор чиқаришда илоҳиётчининг ҳуқуқи) ва фатво (қандайдир бир ҳуқуқий ёки диний масала хусусида расмий ҳукм ёки қарор) эшикларини очганидир. Бу имом Ҳумайний шахсининг обрўси учун жуда муҳимдир. Шу билан Ҳумайнийнинг диний ва сиёсий фаолияти кучая бошлади. 1961 йилда унга **“оятулло ал-узма”** (Бизга маълумки, исломда турли диний унвонлар мавжуд. Шулардан бири **мужтаҳид**дир. Исломдаги шиалик йўналишида мужтаҳид унвонини олишга интилувчи номзод ҳақиқий шиа бўлиши, қонуний туғилган бўлиши, ўзини тия биладиган, зехнли, хотираси тиниқ, кўриш ва нутқи равон бўлиши, калом, шариат ва фикҳни мукаммал билиши ҳамда араб тили ва мантиқни яхши билиши лозим. Агарда мужтаҳид катта шуҳрат қозонса, нафақат ўз тарафдорлари, балки бошқа мужтаҳидлар орасида ҳам обрўга ва энг кўп издошга эга бўлса, уни **оятулло**¹⁶ деб чақира бошлайдилар. Мужтаҳидларнинг олий даражасини **ал-узма** (“буюк оятулло”), **маржа ат-тақлид** (“тақлид қилиш объекти”, “эргашиш манбаи”), **хужжат ул-ислом** (“ислом асоси”, “ислом далили”) деб номланувчи

¹⁵ Миронов Л., Тураджев В. Ислам и политика // Персия – приложение к журналу “Азия и Африка сегодня”. 2/2000, 26-бет.

¹⁶ Оятулло (араб. Аллоҳ мўъжизаси) - ши‘аликда мустақил фатво бериш ҳуқуқига эга бўлган руҳоний (мужтаҳид)ларнинг унвони. Оятуллоҳлар диндорлар орасида катта обрўга, ши‘алик тарқалган давлатларда (Эрон, Ироқ) сиёсий таъсирга ҳам эга.

оятуллолар ташкил этади)¹⁷ унвони берилди ва у бутун Эрон шиа жамоасининг раҳбарларидан бирига айланди¹⁸.

Имом Ҳумайнийнинг кенг сиёсий фаолияти 1962 йилда, бош вазир Амир Асадулло Аълам минтақавий ва маҳаллий жамиятлар тўғрисидаги қонунни тасдиқлаганда бошланди. Бу қонун секуляр¹⁹ ташкилотларга бўйсунувчи жамият аъзоларини сайлаш шартидан иборат эди. Бу дегани ҳукумат давлат ҳаётининг барча соҳаларидан исломни йўқ қилиш йўлига ўтганидан далолат берарди. Айнан шунинг учун маълумотга эга уламо ва дин арбоблари бу қонунга қарши Ҳумайний бошчилигида кенг курашни бошлаб юборишди. Бу борада Эрон халқи ҳам четда қолмади. Натижада икки ойдан сўнг бош вазир таклиф этган қонунини қайтариб олди²⁰.

Президент Джон Кеннеди (1917-1963, президентлик даври 1961-1963) даврида АҚШ “учинчи дунё” мамлакатларига коммунизм ғояларининг кириб боришига қарши ҳаракат қилиб, “юқоридан инқилоб” ислохотчилик доктринасини олға сурди. АҚШ президентининг шахсан ўзи Муҳаммад Ризо шохга мамлакатда муайян ислохотлар ўтказишни маслаҳат берди ва бу шохнинг келажақдаги “оқ инқилоб”и учун асос бўлиб хизмат қилди. 1963 йил 8 январда ислохотларнинг олти асосий принципини умумхалқ референдумига олиб чиқишга қарор қилингани расмий равишда эълон қилинди. Ушбу қарор муносабати билан имом Ҳумайний ва Қумнинг қатор диний етакчилари мажлис ўтказиб, шох томонидан таклиф этилган принципларни кўриб чиқишди. Сўнг шохдан референдумга олиб чиқиладиган масалалар бўйича кенгроқ маълумот беришни сўрашди. Улар талабларига қониқарли жавоб ололмадилар. Бундан ташқари дунё ва мамлакатдаги вазият шундан далолат берардики, шох ўз ҳокимиятини сақлаб қолиш ва

¹⁷ Дорошенко Е.А. Шиитское духовенство в современном Иране. Москва, 1985, 20-бет.

¹⁸ Батафсил қаранг: Лидер исламской революции (жизненный путь, деятельность научные труды) // Персия – приложение к журналу “Азия и Африка сегодня”. 2/2000. 13-бет.

¹⁹ Секуляр – диний ташкилотга тегишли мулкни давлат мулкига айлантириш. Қаранг: Русско-узбекский словарь. Под редакцией Р.Абдурахманова. Москва, Государственное издательство иностранных и национальных словарей, 1954, 774-бет.

²⁰ Лидер исламской революции (жизненный путь, деятельность научные труды) // Персия – приложение к журналу “Азия и Африка сегодня”. 2/2000. 13-бет.

мамлакатда Америка манфаатларини таъминлаш учун қатор косметик ислоҳотлар ўтказишни ният қилган²¹.

Ҳумайни ер ислоҳоти ва шоҳ томонидан чиқарилган қатор қонунлар Қуръонда келтирилган қоидаларга ва мусулмон ахлоқ-одоби нормаларига зид эканлиги айтиб, бу ислоҳотларни кескин танқид остига олди. У мавжуд тузумни халқ ҳисобига ўз ўрнини мустаҳкамлашга интилишда, Эронни сиёсий-иқтисодий ва маънавий жиҳатдан дунё империализмига умрбод тобе қилиб қўйишда айиблади. 1963 йил июн ойида Қум илоҳиётшунослик марказидаги махсус мажлисга йиғилган талаба ва ўқитувчилар олдида сўзга чиқиб, шоҳ бошқарувини ғаразли ва ноқонуний деди, мамлакатдаги барча мусибатларда шоҳни айблади ва уни, ривоятларда келтирилганларга кўра, шиалар томонидан қадрланадиган имом Ҳусайнни ўлдирган Уммавий халифа Язид билан тенглаштирди²².

Сўнг Ҳумайний билан бирга бир қанча кўзга кўринган илоҳиётшунослар ҳукумат томонидан ҳибсга олинди. Қум ва бошқа шаҳарларда Ҳумайний ва унинг тарафдорларининг қамоққа олинишига қарши чиққан фуқароларнинг ғалаёни бошланди. Ҳукумат уларга нисбатан қаттиқ жазо чораларини кўрди. Бу воқеалар руҳонийлар томонидан ислом инқилобининг бошланиши сифатида баҳоланди.

Икки ойдан сўнг Ҳумайний озод этилади. У ҳукуматга очикдан-очик қарши чиқишда давом этади, натижада 1964 йил ноябр ойида шоҳнинг буйруғи билан мамлакатдан Туркияга сургун қилинади. 1965 йил Ироққа кўчиб ўтиб, Ҳумайний шиаларнинг муқаддас шаҳарларидан бири Нажафда ўрнашиб олади ва 14 йил умрини ўша ерда ўтказади. Оятуллоҳ у ерда ислом қоидаларига зид бўлган бошқарувнинг нотўғри усуллари сифатида монархия (шоҳ тузуми) ва тахт ворислигига қаршилигини қатъий равишда изҳор қилган ўзининг машҳур асари “Ислом ҳукумати” асарини ёзади.

²¹ Ўша ерда, 13-14-бетлар.

²² Миронов Л., Тураджев В. Ислам и политика // Персия – приложение к журналу “Азия и Африка сегодня”. № 2. 2000.Б.: 26.

Шоҳнинг руҳонийларни назарга илмаслиги унга қимматга тушди. У шиа етакчилари билан алоқаларни яхшилаш, вақти келса уларнинг баъзиларига таяниш ўрнига улар билан қарама-қарши муносабатда бўлди. Шоҳ руҳонийларни кучсизлантириш мақсадида қилган катта хатоси диний ташкилотларга тегишли мулкни давлат мулкига айлантириши бўлди ва бу билан у руҳонийларни ўзига қарши қилиб қўйди. Шоҳнинг бундай хатоларидан унумли фойдаланган руҳонийлар шоҳга қарши кураш компаниясини янада авж олдирилди. Улар бу ҳаракатларида шоҳнинг иқтисодий жиҳатдан юзага келган камчиликлари, мамлакатни жуда тез суръатларда ривожлантириш учун қилган чора-тадбирлари ва руҳонийларга бўлган муносабати ва бошқа ҳамма камчилик ва хатоларини ишга солдилар. Бунинг натижасида исломнинг ғоявий байроғи шоҳ рақиблари тарафида ҳилпиради.

Яна шу нарса эътиборга лойиқки, бу даврда вужудга келган Эрон зиёлилари доираси ва уларга эргашувчи талабалар ҳам асосан ислом анъаналарини сақлаш тарафдорлари бўлганлар. Бу даврда мамлакатда сўл гуруҳлар таъсири ҳам умуман бўлмаган. Шунинг учун ҳам, шоҳга қаршилик кўрсатувчи ягона куч анъанавий шиа уламолари бўлиб, улар ўзига хос хусусиятларга, яъни ақидапарастлик, ўз ғояси учун курашда ҳеч нарсадан қайтмаслик, Маҳдийни келишига ишонч ва раҳбар-имомларга эргашиш каби ғояларга яқдиллик билан ишонганлар.

1978 йилги келиб Ҳумайний халқни кўчага чиқишга ва манфур тузумни ағдаришга чақирди. Халқ ўзининг диний раҳбари чақириқини эшитди ва уни қўллаб-қувватлади. Норозилик ҳаракатлари Қум шаҳрида бошланиб, Табриз, Исфаҳон, Шероз, Машҳад ва Техронга ёйилди ва тез орада бутун Эрон ҳудудига тарқалди²³. Мамлакатда инқилобнинг шиддати ошиб борди. Эрондан узоқда бўлган инқилоб йўлбошчиси имом Ҳумайний ватанига турли йўллар билан ўз йўл-йўриқ ва кўрсатмаларини юбориб турди. Руҳонийлар бу

²³ Миронов Л., Тураджев В. Ислам и политика // Персия – приложение к журналу “Азия и Африка сегодня”. № 2. 2000.Б.: 26-28.

даврда оддий ва тушунарли шиорлар, яъни шоҳ тузумини тугатиш, бой ва камбағаллар орасидаги тафовутларни йўқ қилиш, малакатдан хорижий (айниқса АҚШ) капитални сиқиб чиқариш, эронликлар учун бегона бўлган Ғарб таъсирини тўхтатиш кабиларни илгари сурдилар ва бу шиорлар мамлакатнинг тез ривожланиш жараёнидан чарчаган мамлакат аҳолисининг барча аҳолиси диққатини ўзига тортди.

Ислом иқилобининг бошланиши 1978 йили январ ойида Қум шаҳрида ҳукуматга қарши намоиш ўтказган иштирокчиларга қарата шоҳ армиясини ўқ отиши билан бошланди. Бу намоишда шахид бўлганларга 40 кун давомида ўтказилган аза муддати тугагандан сўнг, Эрон шаҳарларида ғалаёнлар янада авж олди. Ғалаёнчилар мамлакат ҳарбий қўшинлари, жандармалар, САВАК аъзолари билан тўқнашдилар. Бу тўқнашувлар натижасида ўн минглаб эронликлар қурбон бўлдилар. Бу қурбонларга жавобан аҳоли янада кучли ҳаракатларга ўтди²⁴.

1978 йил ноябрь ойига келиб, ҳукуматга қарши ўтказилаётган намоиш ва ғалаёнлар ўз чўққисига етди. Шоҳ мамлакатдаги вазиятни енгиллаштириш учун ўз армиясига намоишчиларга қарата ўқ отишни тухтатиб, фақат уларни тарқатиб юбориш ҳақида фармони берди.

1978 йил 5 ноябрда шоҳ генерал Азхарий бошчилигидаги ҳарбий ҳукуматни шакллантиришга киришди. Лекин 20 декабрда Азхарий юрак хуружи туфайли, бу ишдан четлаттиришларини сўрайди (маълумотларга кўра, Азхарийнинг юрак хуружи муғомбирлик бўлган)²⁵.

Шундан кейин шоҳ ҳукуматга оппозиция вакиллари ҳам киритмоқчи бўлди, лекин улар бунга розилик бермадилар. Фақат биргина либерал ташкилот вакили Шоҳпур Баҳтиёр ҳукуматни бошқаришга розилик беради. 29 декабрда шоҳ Баҳтиёр ҳукуматига қасамёд қилади. Либерал “Миллий фронт” ташкилотининг етакчи раҳбарлари Карим Санжобий ва Дарюш Форухарлар шоҳга нисбатан муросасиз муносабатлари ва Ҳумайний

²⁴ Родригес А.М. История стран Азии и Африки в новейшее время. “Проспект”. Москва. 2009. Б.: 305.

²⁵ проза.ру

бошчилигидаги ислом ҳаракатига ўз хайрихоҳликларини билдириб, Баҳтиёрдан юз ўгириб уни ўз ташкилотларидан чиқариб юборадилар.

Бу даврда Ҳумайний мамлакат аҳолиси учун инқилоб рамзи эмас, балки реал йўлбошчи сифатида тан олина бошланади. АҚШ ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланган шоҳ мамлакатда вужудга келган сиёсий вазият жуда кескинлашганлигини англаб етиб, 1979 йил 16 январда ўз оиласини олиб мамлакатни тарк этади.

Бош вазир Баҳтиёр Ҳумайний ватанига қайтишида унинг хавфсизлигини таъминлашини билдиради. Лекин Ҳумайний бунга зор эмас эди, чунки бутун Эрон аҳолиси уни келишини кутарди. 1979 йил 1 февралда Ҳумайний кўп йиллик сургунликдан сўнг ўз тарафдорлари билан Эронга қайтиб келди²⁶.

Кўпгина таҳлилчиларнинг фикрича, ўша даврда Эронда фуқоролар уруши бошланиши, армия билан халқ ўртасида тўқнашувлар бўлиши мумкин деган, тахминлар ҳам бўлган. Чунки армиянинг баъзи бошлиқлари ҳукуматни эгаллаш режаларини ҳам тузганлар²⁷.

1979 йил 3 февралда Ҳумайний бошчилигидаги Инқилобий кенгаш мажлиси бўлиб ўтиб, бу кенгаш аъзолари Инқилобий мувақат ҳукумат бош вазири этиб, “Эрон озодлик ҳаракати”нинг бошлиғи Маҳдий Бўзўргонни сайлаш таклифини бердилар. Оқибатда малакатда икки – Баҳтиёр бошчилигидаги дунёвий ҳукумат ва Ҳумайний бошчилигидаги руҳонийлар ҳукумати вужудга келди. Баъзи маълумотларга қараганда, Баҳтиёр шу куни “Агар аятуллоҳ Ҳумайний хоҳласа, муқаддас шаҳар Қумда ўз ҳукуматини сайлашига рухсат бераман. Унинг ҳам ўз Ватикани бўлсин”²⁸, деб айтган. Баҳтиёрнинг бу сўзлари жавобсиз қолган.

Шу куни Дезфулада жойлашган ҳарбий ҳаво кучлари сержантлари ва бошқа ҳарбий хизматчилар шоҳ тузумига қарши намоёишлар қилиб, Баҳтиёр

²⁶ Лидер исламской революции (жизненный путь, деятельность научные труды) // Персия – приложение к журналу “Азия и Африка сегодня”. 2/2000. Б.: 16.

²⁷ Арабаджян З.А. Иран. Власть, реформы, революции. Москва. 1991. Б.: 89.

²⁸ Третий взгляд. Специальный выпуск. 2000. № 70. Б.: 34-35.

ҳукумати қоралаб, Ислом инқилоби ғалабасига тарафдор эканликларини билдирганлар.

1979 йил 4 февралда имом Ҳумайний Инқилобий кенгаш таклифини қабул қилиб, Маҳдий Бўзўргонни Инқилобий мувақат ҳукумати бош вазири этиб сайланганлиги ҳақида фармон чиқарди. Шундан кейин Баҳтиёр Ҳумайний ўз ҳукумати сайлаши учун йўл қўймаслигини билдирди. Лекин халқ имомнинг бу қарорини қўллаб-қувватлади. Баҳтиёр ҳукумати давлат тепасида қолишига умид боғлаган АҚШ элчиси генерал Хайзер бу воқеалардан кейин Эронни тарк этди. Истеъфога чиққан Техрон шаҳри ҳокими ва шоҳ тузуми давридаги кўпгина Мажлис депутатлари имом Ҳумайний қабулида бўлдилар.

1979 йил 5 февралда бутун мамлакат бўйлаб имом Ҳумайний томонидан сайланган ҳукуматни қўллаб-қувватловчи ҳаракатлар кенг тус олди. Мувақат ҳукумати ишларига қаршилик қилишини айтган Баҳтиёр бу ҳукуматни йўлини тўсиш мақсадида бир қанча вазирликларни ўз аскарлари билан босиб олди.

1979 йил 6 февралда Маҳдий Бўзўргон Мувақат ҳукумат раиси сифатида ўзининг интервьюсини берди. У бу ҳукумат зиммасига юклатилган асосий вазифаларни маълум қилди. Баҳтиёр ҳукумати ўзининг мантиқий яқунланишига етиб келган эди.

1979 йил 7 февралда Баҳтиёр Мувақат ҳукумат вазирлари билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини билдирди. Унга жавобан имом Ҳумайний Баҳтиёр ҳукумати ва армияни халққа таслим бўлишини талаб қилди.

1979 йил 8 февралда Мувақат ҳукумати қўллаб-қувватловчи оммовий намоёишлар бўлиб ўтди. Ҳарбий ҳаво кучларнинг кўпгина ҳарбийлари Ҳумайний қароргоҳига келиб, унга садоқат билан хизмат қилишларини билдирдилар. Бу ҳаракатлар шоҳ генералларини қаттиқ ташвишга солди ва шунинг учун ҳам халққа қарши зўровонлик ишлатишдан ўзларини тийдилар.

1979 йил 9 февралда шоҳ тузуми қолдиқлари билан халқ ўртасида қуроли тўқнашувлар бўлиб ўтди. Ислом инқилоби ўзининг ҳал қилувчи босқичига етган эди. Бутун мамлакатда бўйлаб қуроли тўқнашувлар 10 феврал куни ҳам давом этди. Шоҳ генераллари бу сиёсий вазиятни ўз назоратлари остига олиб, шоҳ тузумини сақлаб қолишга ҳаракат қилдилар. Бироқ, энди кеч бўлган эди. 10 февраль соат 16.30 да ҳарбий ҳолат эълон қилинди. Ҳумайний халққа мурожаат қилиб, бу ҳарбий ҳолатга амал қилмасдан, аҳолини кўчаларда қолишини талаб қилди. Халқ ўз йўлбошчисининг талабларини бажариб, кўчаларда жангга тайёрлана бошладилар, шоҳ генералларининг охирига умиди ҳам пучга чиққан эди.

1979 йил 11 феврал куни генералларнинг давлат тўнтариши режалари барбод бўлди. Техроннинг барча аҳолиси ва инқилобий кайфиятдаги ҳарбийлар казарма ва ҳарбий идораларни босиб олиб, уларни шоҳ гвардиясидан тозаладилар. Шу куни халқ Ишратобод, Хашматиён, Боғша, Душантепа горнизонларини босиб олди. Ундан ташқари, шоҳ тузумининг Бош армия штаби, Зобитлар институти, радио ва телевидения ҳамда бошқа муҳим муассасаларни ҳам босиб олдилар²⁹.

Бахтиёр мамлакатни ташлаб чиқиб кетди. Шоҳ тузумининг охириги тарафдорлари 12 феврал куни эрталаб тор-мор қилинди.

Ҳумайний 1979 йил 11 февралдан кейин жуда кўп маротаба халққа қилган мурожаатларида бу қўзғалонларни “ислом инқилоби” деб аталишини ва “халқ” ёки “демократик” деган атамаларни умуман ишлатмасликларини ҳамда шоҳ тузумининг афдарилиши “ислом инқилоби”нинг бошланиши эканлигини таъкидлаб келди. Лекин чет давлатларда бу инқилоб умумхалқ инқилоби сифатида эътироф этилади. Чунки унда Эроннинг барча аҳолиси – ишчилар, шаҳарларнинг ўрта табақа аҳолиси, деҳқонлар ва миллий буржуазия биргаликда шоҳ тузумини афдариш шиори остида ҳаракат қилган.

Шундай қилиб, Эронда Ислом инқилобининг тартанаси бевосита шоҳ ислоҳатлари билан боғлиқ бўлиб, шоҳ ва унинг яқин маслаҳатчилари бўлган

²⁹ Ўша ерда, Б.: 35.

АҚШ ҳукумати халқ, унинг кўп асрларга бориб тақаладиган анъана ва урф-одатлари билан ҳисоблашмаганликлари учун содир бўлди. Ислохатлар туфайли айнан халқ азоб чекди. Ҳамма оғирлик асосан халқ зиммасига юклатилди. Ислохатлар туфайли мамлакатдаги ишчи ва деҳқонлар, майда ишбилармонлар аҳволи янада ёмонлашди. Бу даврда мамлакатда коррупция, жиноятчилик, фоҳишабозлик, наркомания гуллаб-яшнади. Ахлоқий кадр-қиммат йўқола борди, ижтимоий ҳаёт қолоқлашди.

Ислом инқилобини қуйидаги кўринишларда белгилаш мумкин:

- ўз характериға кўра, ҳаракатланувчи куч ва кураш услуби халқ томонидан амалға оширилган;
- ўз йўналишиға кўра, монархияға, империализмға ва америкаликларға қарши қўйилган;
- раҳбарияти бўйича руҳонийлар роли ва ташкилий-ғоявий асосда исломий инқилоб саналади.

II.2.Эронда “маданий инқилоб” ва Абулҳасан

Банисадрнинг сиёсий фаолияти.

Махдий Бўзўргон ҳукумати истеъфога чиққанидан сўнг, бош вазир лавозими анча вақтгача бўш турди. Президент сайловлари бўлиши режалаштирилган эди. Шунинг учун ҳам диний уламолар бу лавозимни эгаллаш учун фаол ҳаракатда эдилар. Бироқ, Ҳумайний диний уламони президент лавозимида фаолият олиб бориши яхши ҳолатни келтириб чиқармаслигини англаб етди.

1979 йил 25 декабрда Ҳумайний Ислом инқилоби кенгаши таркибига кирган диний уламолар ўз номзодларини президентлик лавозимига номзодликка қўйишлари мумкин эмаслигини эълон қилди. Ҳумайний президентлик лавозимини сўл ва либерал оппозицион куч вакиллари ҳам эгалламасликлари учун чоралар кўрди. Унинг бевосита фармони билан президентлик пойгасида иштирок этаётган “Муждаҳидини халқ” (“Халқ мужаҳидинлари”) ташкилоти етакчиси Ражавий номзоди олиб ташланди. Бу ташкилотнинг сайлов манифестида 12та банд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат эди:

- демократия асослари учун ҳар бир корхона ва муассасаларда кенгашлар тузиш;
- империалистик давлатлар билан барча алоқаларни узиб, уларга тегишли мулкни давлат ҳисобига миллийлаштириш ва улар билан тузилган аввалги барча битим ва алоқаларни бекор қилиш;
- ички ишлаб чиқаришни кенгайтириш йўли билан Эрон мустақиллиги ва суверенитетини таъминлаш;
- мамлакатда эркин фикрлаш, сиёсий дунёқараш ва диний эътиқодни тўлиқ тиклаш;
- камчиликни ташкил этувчи миллий халқлар, жумладан, курдларни ўз тақдирларини ўзлари белгилаши ҳақидаги ҳуқуқларини тан олиш;
- ишлаб чиқариш меҳнаткашлар томонидан назорат этилиши;

- деҳқонлар қарзларини бекор қилиш, уларга моддий ва техник ёрдам бериш, деҳқонлар кенгашини тузиш;

- меҳнаткашлар томонидан ишлаб чиқарилган қонунларни жорий қилиш³⁰.

Бундай талабларни сўл кучлар – “Фидойий халқ” (“Халқ фидоийлари”) партияси ва “Туде” (“Эрон халқ партияси”) ҳам олға сурган.

Ҳумайний президентликка номзодларнинг ҳеч бири ҳақида очикдан-очик фикр билдирмаган. Лекин у Абулҳасан Банисадр номзодига ҳайрихоҳ эканлигини билдирган, чунки унинг таржимаи ҳолида йирик масшабдаги ислом сиёсий арбобига хос бўлган томонлар мавжуд эди.

Абулҳасан Банисадр 1933 йил 22 мартда Ҳамадонда йирик диний арбоб оиласида таваллуд топган. Банисадр Техрон университетида таҳсил олаётган даврида шоҳ тузумига қарши ҳаракатларда иштирок этган. Ҳукуматга қарши ҳаракатлари туфайли икки маротаба қамоқхонада ўтирган, 1963 йилдаги кўзғалонлар даврида яраланган³¹. Шундан кейин Банисадр Францияга кетган, у ерда Сорбон университетида таҳсил олган, иқтисодиёт бўйича докторлик диссертациясини ёқлаган, иқтисодий масалалар бўйича Ҳумайнининг маслаҳатчиси бўлган³².

Ҳумайний 1979 йил февраль ойида Эронга қайтганида Банисадр ҳам у билан бирга қайтган. У дастлаб иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари этиб сайланган, сўнг ташқи ишлар вазири, кейин Эрон Мувақат ҳукумати даврида иқтисодиёт вазири лавозимларида ишлаган³³.

Ҳумайний билан Банисадрнинг яқинлик муносабатлари имомни Ироқдан Францияга келган кунларининг дастлабки даврида Париж шаҳри атрофига жойлашган “Нофл-ле-Шато” шаҳарчасидаги Банасадр уйида яшаганидан бошланган.

³⁰ проза.ру.

³¹ <http://www.banisadr/cjv/fr>

³² <http://www/istmira.com/istoriya-azii-i-afriki/542>

³³ <http://wikipedia.ru>

1980 йил 25 январда ўтказилган президент сайловларида ўз номзодларини қўйган етти наомзод орасида 70 фоиз овоз тўплаб (баъзи маълумотларга кўра 78,9 фоиз овоз тўлаган³⁴), тўрт йил муддатга иқтисодчи ва ҳуқуқшунос Абулҳасан Банисадр Эрон Ислон Республикасининг биринчи президенти этиб сайланган ва 1980 йил 4 февралдан расмий равишда ўз лавозимини эгаллаган.

Абулҳасан Банисадр диний оилада туғилгани билан шиа руҳонийлари вакили бўлмаган. Унинг президентлик фаолияти Эрондаги энг қийин даврга тўғри келган. Бу вақтда Ҳумайний бошчилигидаги диний уламолар ва турли диний ташкилотлар мамлакат ҳаётининг ҳар бир соҳасини қаттиқ назорат остига олишган ва бу ҳаракатларни давом эттираётган эдилар. Банисадр фаолияти мамлакатдаги мана шу ислоний ақидаларга мувофиқ чекланган тор доира ва ташкил этилган махсус ислоний ташкилотлар томонидан қаттиқ назорат этиш даврида бошланди.

Абулҳасан Банисадр президент сифатида дунёвий сиёсатчи бўлиб, лозим бўлган мустақилликни йўқлиги шароитида иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаёт соҳасидаги ўзгаришларни амалга ошириш бўйича бирор бир қарорни қабул қилиши фавқулодда қийин эди. Шунинг учун ҳам Абулҳасан Банисадр ҳукумати даврида вазирлар бирин-кетин ўз лавозимларини тарк этиб, истеъфога чиқар эдилар. Чунки ислоний тузум ташкилотлари етакчилари томонидан назорат ва “гап ўргатиш”, аралашини уларнинг ҳам жонларига тегар эди.

Эрондаги ислоний тизимнинг ўзига хос хусусияти шундан иборат эдики, ислон жамиятининг ядроси сифатида бирон бир сиёсий партия турмаган, шиа руҳонийлари кучли сиёсий ташкилот тузмасдан асосий кучни қайта қуришга ва давлат маҳкамаларини мустаҳкамлашга уринганлар. Ислоний партиялар эса, сиёсий ҳаётда ёрдамчи вазифасини бажарган. 1979 йил феврилида тузилган Ислон республикаси партияси (ИРП) руҳонийлар ичидаги сиёсий фракция сифатида фаолият олиб борган. У ўз таркибида

³⁴ http://www.idmedina.ru/books/history_culture/minaret/9/bekin/htm

турли диний-сиёсий гуруҳларни бирлаштирган эди (бу партия фаолияти 1988 йилда умуман тўхтатилган). Мамлакатда бошқа партия ва ташкилотларнинг фаолияти ислом ҳукумати томонидан таъқиқланган эди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Банисадр президентлик лавозимини эгаллаган даврда шиа руҳонийлари кўрсатмаси, хоҳиши, фармонисиз ҳеч бир ишни ўзи хоҳлаганидек амалга ошира олмаган.

Зеро, Эрон Ислом конституциясига мувофиқ, президент – республикада Раҳбардан кейинги иккинчи шахс ҳисобланади. У конституцияга риоя қилиниши, ҳокимиятни учта тури – қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органлари ҳаракатини ўзаро мувофиқлаштиради ва ижро этувчи органни бошқаради. У тўғридан-тўғри яширин мутлоқ аксарият овоз билан тўрт йил муддатга сайланади. Уни яна бир муддатга қайта сайлашлари мумкин³⁵. Ундан ташқари президент албатта, ўз келиб чиқиши бўйича эронлик, Эрон фуқороси, шиа мазҳабидан, раҳбарликка лаёқати, яхши обрўга эга бўлиши, диёнатли ва Ислом республикаси асосларига содиқ киши бўлиши шарт.

Президентнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари конституциянинг тўққизинчи бандида белгилаб берилган бўлиб, президент ҳуқуқ доирасига ижро учун бериладиган Мажлис қарорларини тасдиқлаш, бош вазир номзодини тавсия этиш киради. Президент томонидан тавсия этилган номзод Мажлис томонидан тасдиқлангандан сўнг, президент унинг сайланганлиги ҳақидаги фармонни чиқаради. У Мажлис томонидан тасдиқланган Эроннинг бошқа давлатлар билан тузган битим, конвенция, мажбурият, шартномаларига имзо чекади. У Эрон элчиларининг ишонч ёрлиғига имзо чекади ва бошқа давлат элчиларининг ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олади. Президент йўқлигида ёки касал бўлиб қолганида унинг вазифаларини мамлакат бош вазири, Мажлис раиси ва Олий суд раисидан ташкил топган мувақат президент кенгаши бажаради³⁶.

³⁵ “قانون اساسی جمهوری اسلامی ایران” (“ЭИР Конституцияси”) Техрон, 1979, 9-банд, 2-модда.

³⁶ “قانون اساسی جمهوری اسلامی ایران” (“ЭИР Конституцияси”) Техрон, 1979, 9-банд.

Президент сайловларида ғолиб чиққан Абулҳасан Банисадр 1980 йил 27 январда Ислом инқилобий кенгаши, барча “ислом инқилобий қўмиталари” ва Ислом инқилоби қўриқчилари корпус фаолиятини бекор қилиш лозимлиги ва руҳонийлар масжидларга қайтиб ўзларининг бевосита ишлари билан шуғулланишлари кераклиги айтди. Ҳумайний бунга рози бўлиб, уни Ислом инқилоби кенгаши раиси ва Эрон ҳарбий кучларининг бош қўмондони қилиб сайлади³⁷. Ҳумайний бу ишларни бекорга қилмаган эди. Чунки кейинги воқеалар, яъни бир томондан 1980 йил сентябрида Эрон-Ироқ уруши бошланиши ва бу урушда муваффақият қозониш анча мушкуллиги, мамлакат иқтисодиёти эса, хануз пароканда аҳволда эди. Иккинчи томондан эса, Ҳумайний Олий мудофаа кенгаши ва Ислом инқилоби кенгашига аксарият ўзининг тарафдорларини сайлаган бўлиб, Банисадр президент курсисида ўтирса-да, камчиликни ташкил этар эди. Олий суд раиси этиб эса, аятуллоҳ Бехиштий сайланган эди.

1980 йил март-май ойларида бўлиб ўтган парламентга сайловларда Ислом инқилоби партияси вакилларининг аксариятини сайланиши билан яқунланди ва парламентга сайланган бу вакиллар Абулҳасан Банисадр рақиблари эди.

1980 йил 18 апрелда Ҳумайний Ислом инқилоби кенгашининг аксарият аъзолари томонидан мамлакат олий ўқув юртларини исломийлаштириш ҳақидаги қарорини тасдиқлади. Олий ўқув юртларида талабалар билан қонли тўқнашувлар юз берди. Бу тўқнашувларда “Аллоҳ партияси” аъзолари талабаларга қарши чиқиб, исломийлаштириш тарафдорлари сифатида ҳаракат қилдилар. Бу тўқнашувлар натижасида ўнлаб ёш йигитлар қурбон бўлдилар ва юзлаб талабалар яраландилар³⁸.

1980 йил 14 июнда Ҳумайний мамлакатда “ислом маданий инқилоби” бошланганлиги ҳақида декрет эълон қилди. Мамлакатда ўзгача фикрлайдиганларга қарши компаниялар иш олиб бордилар. Бу вақтда шариат

³⁷ проза.ру.

³⁸ <http://www/istmira.com/istoriya-azii-i-afriki/542>

судлари ўзларининг кенг кўламда амалий ишларига ўтиб, суд ҳукмига кўра жазо сифатида кўл ва оёқларни кесиш учун махсус таъмирланган машиналардан фойдаландилар³⁹.

Мамлакатда эски қамоқхоналар кенгайтилди ва янгилар барпо этилди ва улар “кайта тарбиялаш уйлари” деб ном олди. Қамоқхоналарда маҳбусларни қийнаш исломий ҳокимият томонидан расмий равишда маъқулланди. 1980 йил 6 августида Мажлис раиси Хошимий Рафсанжоний агар полицияга юклатилган бу вазифалар яхши бажарилмаса, уларнинг ойлик маоши қирқилиши билан таҳдид қилди⁴⁰.

Ҳумайний бундай “маданий инқилоб” шоҳ тузумини ағдаришдан ҳам муҳим эканлигини таъкидлади.

Иқтисодиёт масаласи ҳар бир давлат сиёсати учун асосий масала ҳисобланади. Шиа руҳонийларининг буржуазия билан ҳокимият учун курашида исломий уламолар ҳокимиятини иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлайдиган ва шунга мувофиқ келадиган тизимни амалга оширишни талаб қилар эди. Эронда теократик тузумни вужудга келиши руҳонийларнинг ривожланишининг “учинчи йўл” сифатидаги вариантларидан бири бўлган “исломий йўл” тизимини амалга оширишларини таъминлади. Мана шу йўлни амалга оширишда Абулҳасан Банисадр катта роль ўйнади.

Абулҳасан Банисадр Эронда шоҳ тузуми даврида “ислом иқтисодиёти”ни тузиш ғоясини таклиф қилган ва уни асослаб берган эди. У иқтисодиёт бўйича бир қанча асарлар ёзган бўлиб, бу асарлари “Ислом жамияти” ва “Тавҳид” иқтисодиётида асосий сиёсий ва иқтисодий асосларини баён этган. У президентлик даврида Эрон давлати ривожланишининг “алоҳида” лойиҳасини амалий жиҳатдан рўёбга чиқариш учун киришди.

Эрон Ислом Республикаси конституциясининг иқтисодиётга тегишли моддаларида иқтисодий моделнинг “исломий йўли”нинг умумий

³⁹ http://www.idmedina.ru/books/history_culture/minaret/9/bekin/htm

⁴⁰ <http://www/istmira.com./istoriya-azii-i-afriki/542>

кўринишлари берилган бўлиб, бу модел иқтисодий ривожланишнинг майда буржуа моделига ўхшашдир. Масалан, конституциянинг 44 моддасида, Эрон иқтисодий тизими учта – давлат, кооператив ва хусусий секторга асосланган. Шу билан бирга давлат сектори аниқ муайян чегаралар билан ёритилган. Унга муҳим соҳалар ҳисобланган саноат, оғир саноат, йирик конлар, ирригация тизими, электроэнергетика, банк тизими, авиация, темир йўллар, денгиз флоти, ташқи савдо киради. Ундан ташқари, давлатга телевидения, почта ва телеграф ҳам тегишлидир. Кооператив сектор шаҳар ва қишлоқларда исломий ақидалар асосида тузиладиган жамоалар, ишлаб чиқариш ва тақсимлаш муассасаларидан ташкил топган. Хусусий секторга қишлоқ хўжалиги(чорвачилик), саноатчилик, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси киради. Бу моддага мувофиқ конституция хусусий мулкни чегараламайди. Бироқ, хусусий мулкка изоҳ берилган бўлиб, унга кўра, хусусий мулк ислом ақидалари доирасидан четга чиқмаслиги ва жамиятга зиён етказмаслиги шарт билан рухсат берилади⁴¹.

Шиа руҳонийларининг иқтисодий фаолиятдаги дастлабки қадамлари майда буржуа утопизмига асосланган бўлиб, бу “тавҳид иқтисодиёти” тушунчаси билан боғлиқ эди. Бу ғоя Ҳумайнийнинг иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиси бўлган ва кейинчалик президент бўлган Абулҳасан Банисадрнинг ислом инқилоб арафасида ёзган китоби туфайли машҳур бўлиб кетди. Унда Банисадр ислом иқтисодиётининг концепцияси сифатида жамият тараққиёти иқтисодий моделининг бир кўринишини таклиф қилган⁴².

Баъзи маълумотларга кўра, Абулҳасан Банисадрнинг “тавҳид иқтисодиёти”га бағишланган китоби у Эронга қайтиб келганидан сўнг жуда машҳур бўлиб кетган ва ҳатто, бу китоб Ҳумайнийнинг “Ҳокумати исломи” (“Ислом бошқаруви”) номли асарига қўшимча сифатида қаралган⁴³.

⁴¹ “قانون اساسی جمهوری اسلامی ایران” (“ЭИР Конституцияси”) Техрон, 1979, 9-банд. 44 модда.

⁴² Мамедова Н.М. Исломская экономика и глобализация//Ислам и политика. Москва. 2001. Б.: 360.

⁴³ http://www.idmedina.ru/books/history_culture/minaret/9/bekin/htm

“Тавҳид иқтисодиёти”да утопик социалистлар, энг аввало, Прудон таъсири яққол намоён бўлган бўлиб, Ғарбда таҳсил олган ва узоқ вақт яшаган Банисадр бу ғоялар билан яхши таниш бўлганлиги кўриниб турибди. Тавҳид моделини қуйидаги белгиларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

1. “Тавҳид иқтисодиёти” нуқтаи назаридан асосий муаммо – бойликни ҳуқуққа асосланмаган, яъни ноқонуний тақсимланишидир. Тавҳид моделида, ислом иқтисодиётида ва умуман иқтисодиётда асосий урғу ишлаб чиқаришга эмас, балки тақсимлаш, алмашиш ва эҳтиёжларга қаратилган бўлади. Бунда эксплуатация текин ўзлаштириш воситасида эмас, балки қўшимча маҳсулот ва қўшимча қийматдан нотўғри фойдаланиш натижасида намоён бўлади;

2. Хусусий мулкчилик ва ишлаб чиқаришнинг товар-пул характери ўртасидаги ўсишнинг ўзаро алоқаси тан олинмайди;

3. Бошқа давлатларга иқтисодий ва сиёсий қарам бўлишдан қутулишда автаркия⁴⁴ воситасидан фойдаланиш. Бундай ўзгаришлар шунга ўхшаш йўлни танлаган (Покистон, Судан, Малайзия) давлатлардан ҳоли равишда кечиши назарда тутилади. Эронда Ислом инқилоби давридан бошлаб ҳали мамлакатни исломийлаштириш учун ягона дастур ишлаб чиқилмаган.

Хуллас, Эрон тавҳид моделининг автономлиги, яъни ўзига хослигига қармасдан, унинг умумий ҳолатлари ислом иқтисодий назариясининг исботсиз асос қилиб олинган қоидалар билан жуда мувофиқ тушади.

Эрон Ислом Республикаси конституциясининг кўпгина банд ва моддалари иқтисодий ривожланишга бағишланган бўлиб, уларда банк операциялари ҳақида ҳам бир қанча қонун-қоидалар мавжуд. Масалан, конституциянинг 3-бандига мувофиқ, фойзсиз банк операцияларнинг қатор депозит олиш шартлари изоҳланган. Ундаги ҳисоб турлари қуйидагича: 1) **қарз ал-ҳасан** – фойзсиз ҳисоб, бу ҳисоб ҳам ўз навбатида жорий (кундалик) ва омонатга бўлинади ва 2) маълум шартларга мувофиқ инвестицион депозитлар олиш. Шу билан бирга, ҳам жорий ва ҳам омонат ҳисоб

⁴⁴ Автаркия – мамлакат иқтисодиётини мустақил қилишга қаратилган иқтисодий сиёсат//Русско-узбекский словарь. Москва. 1954. Б.: 17.

ушловчиларнинг депозитга қўйган маблағларини сақлаш кафолатланади⁴⁵. Бундай кафолат, бизнинг назаримизда, банкларнинг лозимлиги ҳақидаги ислом уламоларининг аксарият вакиллари тасаввурига тўғри келмайди. Банклар “реклама услубидан фойдаланиш”лари конун томонидан рухсат берилган бўлиб, унда пул қўювчига қайд этилмаган мукофот нақд пул ёки фоизсиз депозит воситасида берилади; пул қўювчилар бирор бир банк хизмати ёки даллоллик ҳақи (комиссион)дан озод этилади, ё даллоллик ҳақи ёхуд йиғимларни тўлаганида чигирма берилади; банк операцияларини амалга оширишда банк хизматлари пул қўювчига имтиёзлар беради. Шошилиш инвестицион ҳисобда эса, пул ушловчилар асосий депозит ва маблағдан ташқари қўшимча пул олиш имкониятига эга бўлиб, бу қўшимча маблағ банк томонидан маблағ берилаётган лойиҳани даромаддан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бироқ бу ерда ҳам асосий маблағни сақлаш кафолатланади⁴⁶.

Конституцияда мамлакатдаги ислом банкларининг алоҳида ижтимоий роли ҳам назарда тутилган. Банклар фоизсиз ссудага муҳтож бўлганлар учун бир қисм миқдорда маблағ ажратишлари шарт. Бу операцияни бажарилиши Марказий банк томонидан ишлаб чиқилади ва Вазирлар маҳкамасида тасдиқланади. Фоизсиз кредитлар *қарз ал-ҳасан* кам даромадли шахсларга унчалик қиммат бўлмаган уй қуришлари учун, кичик бизнес ва қишлоқ хўжалиги ишларини қўллаб-қувватлаш учун ва ҳаказоларга берилади⁴⁷. Шу билан бирга, банкларга дабдабали буюмлар ва бирламчи эҳтиёжгир бўлмаган товарлар ишлаб чиқарувчи лойиҳаларда иштирок этиш ва уни молиявий таъминлаш таъқиқланади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Эронда Ислом инқилобидан кейин мамлакат раҳбариятида аниқ исломий руҳда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепцияси бўлмаган. Абулҳасан Банисадрнинг утопик ғоялари ислом иқтисодиёти ислоҳатлари учун назарий база сифатида тўғри

⁴⁵ “قانون اساسی جمهوری اسلامی ایران” (“ЭИР Конституцияси”) Техрон, 1979, 3-банд.

⁴⁶ “قانون اساسی جمهوری اسلامی ایران” (“ЭИР Конституцияси”) Техрон, 1979, 6-банд.

⁴⁷ “قانون اساسی جمهوری اسلامی ایران” (“ЭИР Конституцияси”) Техрон, 1979, 43-банд, 2-3 моддалар.

келмас эди. Бошқа муаллифлар эса, исломий ривожланиш комплекс концепциясини барпо этмаганлар. Шу билан бирга бошқа мусулмон давлатларининг тажрибаси иқтисодиётни исломийлаштириш ишида Эрон иқтисодчиларининг назаридан четда қолган.

Ҳозирги даврда ҳам ислом иқтисодиёти кўпгина эронликларнинг онгида ё Абулҳасан Банисадрнинг утопик ғоялари, ёки миллийлаштириш ва мазлумларни давлат сиёсати томонидан қўллаб-қувватланиши билан эсга олинади.

Умуман олганда, Эрон Ислом Республикасининг конституцияси моддаларида Тавҳид иқтисодиётининг асосий ғоялари асос бўлиб хизмат қилган. Бундан руҳонийлар олдига қўйилган биринчи мақсад давлат ва хусусий секторларни уйғунликда ташкил этиб, ислом жамиятида тенгликни жорий қилиш кўзда тутилган. Конституциядаги “ўзгалар меҳнатини эксплуатация қилишни бекор этиш” ғояси жамиятда майда мулкдорларни ташкил этиш асосида қурилган бўлиб, назарий жиҳатдан бу жамиятдаги иқтисодий тенгсизликка чек қўйиши керак эди. Оз вақт ўтмасдан Банисадрнинг иқтисодиётидаги асос ва нуқтаи назари реал ҳаёт талабларига қарама-қарши бўлиб қолди ва буни тўғирлаш мақсадида у “ислом иқтисоди” концепциясини илгари сура бошлади.

Абулҳасан Банисадр президент сифатида дунёвий сиёсатчи бўлиб, лозим бўлган мустақилликни йўқлиги шароитида иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаёт соҳасидаги ўзгаришларни амалга ошириш бўйича бирор бир қарорни қабул қилиши фавқулодда қийин эди. Шунинг учун ҳам Абулҳасан Банисадр ҳукумати даврида вазирлар бирин-кетин ўз лавозимларини тарк этиб, истеъфога чиқар эдилар. Чунки исломий тузум ташкилотлари етакчилари томонидан назорат ва “гап ўргатиш”, аралашиш уларнинг ҳам жонларига тегар эди. Эрондаги исломий тизимнинг ўзига хос хусусияти шундан иборат эдики, ислом жамиятининг ядроси сифатида бирон бир сиёсий партия турмаган, шиа руҳонийлари кучли сиёсий ташкилот тузмасдан асосий кучни қайта қуришга ва давлат маҳкамаларини мустаҳкамлашга уринганлар.

Исломий партиялар эса, сиёсий ҳаётда ёрдамчи вазифасини бажарган. 1979 йил феврида тузилган Ислом республикаси партияси (ИРП) руҳонийлар ичидаги сиёсий фракция сифатида фаолият олиб борган. У ўз таркибида турли диний-сиёсий гуруҳларни бирлаштирган эди (бу партия фаолияти 1988 йилда умуман тўхтатилган). Мамлакатда бошқа партия ва ташкилотларнинг фаолияти ислом ҳукумати томонидан таъқиқланган эди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Банисадр президентлик лавозимини эгаллаган даврда шиа руҳонийлари кўрсатмаси, хохиши, фармонисиз ҳеч бир ишни ўзи хоҳлаганидек амалга ошира олмаган. Абулҳасан Банисадр шоҳ тузуми даврида “ислом иқтисодиёти”ни тузиш ғоясини таклиф қилган ва уни асослаб берган эди. У иқтисодиёт бўйича бир қанча асарлар ёзган бўлиб, бу асарлари “Ислом жамияти” ва “Тавҳид” иқтисодиётида асосий сиёсий ва иқтисодий асосларини баён этган. У президентлик даврида Эрон давлати ривожланишининг “алоҳида” лойиҳасини амалий жиҳатдан рўёбга чиқариш учун киришди. Шиа руҳонийларининг иқтисодий фаолиятдаги дастлабки қадамлари майда буржуа утопизмига асосланган бўлиб, бу “тавҳид иқтисодиёти” тушунчаси билан боғлиқ эди. Бу ғоя Ҳумайнийнинг иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиси бўлган ва кейинчалик президент бўлган Абулҳасан Банисадр ислом инқилоб арафасида ёзган китоби туфайли машҳур бўлиб кетди. Унда Банисадр ислом иқтисодиётининг концепцияси сифатида жамият тараққиёти иқтисодий моделининг бир кўринишини таклиф қилган. Баъзи маълумотларга кўра, Абулҳасан Банисадрнинг “тавҳид иқтисодиёти”га бағишланган китоби у Эронга қайтиб келганидан сўнг жуда машҳур бўлиб кетган ва ҳатто, бу китоб Ҳумайнийнинг “Ҳокумати исломи” (“Ислом бошқаруви”) номли асарига қўшимча сифатида қаралган.

ХУЛОСА

Эрон ўзининг ривожланишига асосан, Осиёнинг энг қудратли давлати Японияни мисол қилиб олган эди. “Япон модели”га қиёс қилиниб тузилган Эроннинг ривожланиш режалари 30 йил муддатга мўлжалланди. Бунинг натижасида 1970 йилга келиб Эрон Осиёда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича иккинчи ўринга чиқиб олди.

Эрон ташқи сиёатида коммунистик ғоялардан кўра капитализм ғояларини ёқлаш кучлироқ бўлганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Шунинг учун ҳам Эрон шоҳи Муҳаммад Ризо Паҳлавий АҚШ билан доим яхши муносабатда бўлишга ҳаракат қилар эди. Ғарбча маданият албатта, шарқ минталитетига мос келмаслиги аниқ. Шунинг учун ҳам Эронда олиб борилган ғарбча андоза ва маданиятнинг кириб келиши Эрон халқининг кучли норозилигига сабаб бўлди. Бунинг оқибатида 1979 йилнинг 11 феввалида инқилоб рўй берди. Натижада шоҳ Эрондан чиқиб кетишга мажбур бўлди. Шунинг билан унинг сиёсати ҳам барҳам топди.

Эронда Ислом инқилобининг тартанаси бевосита шоҳ ислоҳатлари билан боғлиқ бўлиб, шоҳ ва унинг яқин маслаҳатчилари бўлган АҚШ ҳукумати халқ, унинг кўп асрларга бориб тақаладиган анъана ва урф-одатлари билан ҳисоблашмаганликлари учун содир бўлди. Ислоҳатлар туфайли айнан халқ азоб чекди. Ҳамма оғирлик асосан халқ зиммасига юклатилди. Ислоҳатлар туфайли мамлакатдаги ишчи ва деҳқонлар, майда ишбилармонлар аҳволи янада ёмонлашди. Бу дарда мамлакатда коррупция, жинойтчилик, фоҳишабозлик, наркомания гуллаб-яшнади. Ахлоқий қадр-қиммат йўқола борди, ижтимоий ҳаёт қолоқлашди.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ

1. Агаев С.Л. Иран в прошлом и настоящем. Наука. Москва. 1981.
1. Арабаджян З.А. Иран. Власть, реформк, революция. Москва. 1991.
2. Алиев С.М. Ислам и политика // Азия и Африка сегодня, 1981, №12.
3. Валиева Д.В. О некоторых аспектах основного закона Исламской республики Иран//Зарубежный Восток: особенности идеологии и политики. «Фан». Тошкент. 1985.
4. Васильев Л.С. История Востока. «Высшая школа». Москва. 1998.
5. Дорошенко Е.А. Шиитское духовенство в современном Иране. Москва, 1985.
6. Дорошенко Л.С. Пути и формы воздействия шиитского духовенства на общественно-политическую жизнь Ирана,- Ислам и история народов востока. Москва, 1981.
7. «Исламский фактор в международных отношениях в Азии», Сборник статей Академия наук СССР, Москва, 1981.
8. Лидер исламской революции (жизненный путь, деятельность научные труды) // Персия – приложение к журналу “Азия и Африка сегодня”. 2/2000.
9. Ҳасан пир Ниё. Гўзидеи торихэ Ирон. Техрон. Марказэ мутолаат-фарханге-бейналмилали. 2003 йил.

10. محمد رضا پهلوى, گذشته چراغ راه آینده است. بى جا. 1996.

11. اشرف پهلوى, من و برادرم, چا (بى جا) نشر علم. 1996,